Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 126 (6. 615) ◉ 1988 йил 2 июнь, пайшанба ◉ Баҳоси 3 тийин

«Советлар фаолиятининг ошкоралиги ва очиқ олиб борилиши мумкин қадар кенгайтирилсин. Уларнинг мажлисларида граждандлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари бемалол қатнаша оладиган бўлишлари, иш натижаларидан эса сайловчилар, аҳоли мунтазам равишда хабардор қилиб турилиши керак».

(КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Тезисларидан).

XIX КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ТЕЗИСЛАРИ— УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

Советлар ҳаёти: қарор ва ижро

## Давр тақозоси

«Геологоразведка» тажриба-экспериментал заводида кўплаб илғор бригадалар меҳнат қилишади. Улардан бири С. Раҳимов район Совети депутати, Меҳнат Қизил Байроқ орденининг кавалери Николай Плотников бошчилик қилаётган бригададир.

Хўш, бригада қўлга киритаётган муваффақиятларнинг сири нимада? Бу саволга бригада бошлиғининг ўзи шундай жавоб берди:

— Аҳиллик, интизом ва ўзаро меҳнат беллашуви ютуқларимиз омили бўлмоқда.

Бригадада ўз касбини яхши биладиган мутахассислар кўп. Улар ҳар бир ишда ёшларга намуна. Николай Плотников 24 йилдан бери шу корхонада ишлайди. Ҳалол меҳнат унга бахт келтирди, номини элга танитди. Шогирдликдан мустақил ишлашга, кейин эса бригадирлик даражасига кўтарилди. Ҳозир унинг бригадаси социалистик мусобақа ғолиби.

Бригада бошлиғи жамоат ишларида ҳам актив. Бир неча йилдан бери корхона касаба союзи комитетининг аъзоси. Унинг ташаббуси билан Сирдарё бўйида ҳашар йўли билан корхона ишчилари учун дам олиш зонаси ташкил этилди. Ҳозирги кунда шу дам олиш масканлари янада кенгайтирилаяпти.

— Н. Плотников завод партия бюросининг аъзоси сифатида ҳам фаолият кўрсатмоқда,— дейди корхона партковми Р. Титовка. —У коммунистларни мусобақада намуна кўрсатиб, коллективнинг олдинги сафларида боришга ундамоқда.

Бригаданинг аҳиллиги ҳақида бир мисолни келтирмоқчимиз. Ишчи Адҳамжон бир куни корхонага бироз нохуш кайфиятда кириб келди. Бир гапириб ўн куладиган бу йигитнинг авзойи у билан ёнма-ён ишлаётган бригадирни ташвишга солди.

— Нима бўлди сенга, ука?

— Ўзим, шундай...

Тушлик пайтида бригадир уни ҳол-жонига қўймади.

— Бироз мазам қочиб турибди.

— Врачга кўрсатмадингми?

— Кўрсатдим, «Хавфли эмас, лекин озроқ ётиш керак». — деди.

— Бориб ётмайсанми? Нега ишга келдинг?

— Шундай долзарб пайтда, бунинг устига ой охирида ётиб олсам қандоқ бўларкин...

Адҳамжоннинг гапи Николайга қаттиқ таъсир қилди. «Жони оғриса ҳам ишни ўйлайди, ўртоқларимга қийин бўлмасин дейди», — кўнглидан ўтказди бригадир. Шу топда унинг қалбида Адҳамжонга нисбатан бўлган меҳр ўтига яна бир чўғ қўшилгандай бўлди.

— Биз бормиз-ку, бемалол ётиб даволан.

— Йўқлигингизни асло билдирмаймиз,— Николайнинг гапини маъқуллашди йигитлар.

Ҳамкасбларининг меҳрибончилигидан Адҳамжоннинг кўнгли тоғдек кўтарилди.

Орадан икки ҳафта ўтгач, А. Абдуллаев корхонага соғайиб қайтди. Илгаригидек яна хушчақчақ, хушфеъл. Цех бошлиғи уни шод кутиб олди.

— Ойлик планни тўрт кун олдин бажариб қўйдик.

Адҳамжон бу сўздан хурсанд бўлиб ўз миннатдорчилигини билдирди.

— Раҳмат сизларга. Менсиз анча қийналгандирсизлар?

Николай нима деб жавоб берсин. Адҳам кетгандан кейин ҳисоблаб кўришса, у кунига 20 та мураккаб деталь тайёрлар экан. Николай Плотников ўз зиммасига унинг ўнтасини олди, қолганини Р. Қўчқоров, С. Кимлар тайёрлаб берадиган бўлишган эди. Ҳар кунгидан хиёл ортиқроқ жон куйдиришга тўғри келди. Цехдагилар айтганидек, қўли гул депутат Н. Плотников кундалик нормасини икки баравар ошириб бажариб турди. Бунинг ҳаммаси ҳиммат ва мурувват талаб қилади. Булар ҳақида Адҳамжонга айтармиди, айтмади.

— Нима қилибмиз, ҳар кунги ишимиз. Ўзинг тузалиб кетган бўлсанг бўлдида, — деб қўя қолди...

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, коллектив аъзолари бир неча турдош касбларни ўзлаштириб олишган, шунинг билан бирга бригадада интизом яхши йўлга қўйилган. Бу ерда ишга кечикиб келувчилар ва ишдан эрта кетувчилар йўқ.

— Социалистик мажбуриятимизнинг асосий бандларидан бири — меҳнат интизоми ҳамиша диққат марказимизда туради. Мана шунинг учун Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига қадар йиллик планни бажаришга йил бошидан аҳд қилган эдик. Ойлик топшириқларимиз ўз вақтида бажарилмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, партиямиз анжуманида биз, ишчилар учун муаммо бўлиб қолаётган таъминот ҳақида сўз юритилишини истардик, чунки КПСС Марказий Комитети Тезислари ҳам шуни тақозо этмоқда, — дейди Н. Плотников.

**Ф. САЙДАМАТОВА.**

## РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

**Кеча Куйбишев район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида капитал қурилишига партиявий раҳбарликни яхшилаш тадбирлари тўғрисида» Куйбишев район партия комитетининг биринчи секретари Н. И. Емельянов доклад қилди.**

**Пленумда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари О. Ҳ. Асқаров сўзга чиқди.**

**Муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.**

### Тонгги газеталарда

✦ **АҚШ Президенти Р. Рейганнинг Совет Иттифоқида бўлишига доир материаллар, Совет — Америка музокаралари, Совет — Америка ҳужжатларининг имзоланиши, М. С. Горбачев ва Р. Рейганнинг ратификация ёрлиқларини алмашиш пайтида сўзлаган нутқлари ва бошқа расмий хабарлар эълон қилинган.**

## ЗАМОНДОШИМИЗ

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси делегатлари





# 1. Вера Харитонованинг бир куни

Фоторепортаж



Баъзилар гоҳида нолиб қолишади: «Ҳар куни аҳвол шу, бир хил иш, жонга тегди, уйга борасан, келасан. Яна кетасан...»

Бундай кишиларни ё ношуд, ёки ношукур дейиш мумкин. Вера Марковна Харитонова бундай кишилар билан асло келишолмайди. Унинг таъбири билан айтганда, бундай кишилар «ни рыба, ни мясо». Бундайлар кўпинча қайта қуриш мухолифлари бўлиб чиқишади. Одам деган бундоқ ёниб яшаши, доимо олға, янгилик сари интилиб яшаши керак. Ҳа, Вера Харитонова ҳақ. Изоҳга ҳожат йўқ.

Шунинг учун ҳам у ҳар тонг ўз оиласи билан — турмуш ўртоғи термист Александр Степанович ва ўғли Андрей билан жонажон корхонаси сари хуш кайфият ила йўл олади. Вера опа кун бўйи тиниб-тинчимайди, ёниб ишлайди ва ёниб яшайди. Бунинг сабаби нимада экан? Сабаби—касбга бўлган меҳрда, ўз ишидан қониқишдадир. Мана ўн саккиз йилдирки, Вера Марковна Харитонова СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 7-цехида силлиқловчи бўлиб ишлаб келяпти. Ушбу сатрларни ёзаётганимизда яна бир хушхабар эшитдик. Опани коллектив бригадирликка сайлашибди. Бу ҳам катта ишонч.

Бугун ҳам Вера Марковна одатдагидек ишга эрта отланди. Цехда биринчи бўлиб дастгоҳини юргазди. Ундаги юксак маҳорат, ўз касбининг нозик томонларини чуқур билиши мунтазам равишда сифатли деталлар ишлаб чиқариш имконини беради. Бир зумда бир неча деталларни қўлдан ўтказди. Вақт топиб, шогирдларининг ишини ҳам кузатиб келди. Уларга йўл-йўриқлар кўрсатди, маслаҳатлар берди. Орада партком бюроси йиғилишига ҳам улгурди. Вера опа партком бюроси аъзоси сифатида ҳам кўп йиллардан бери фаолият кўрсатиб келяпти. Қайтишда силлиқловчи ишчи Нортожи Камолова уни «Женсовет» олдида кутиб турган экан. Цех аёллар советида опа унга бир олам насиҳат қилди. Донор сифатида ҳали «Медсанчасть»га ҳам кириб чиқиши керак. Бунга ҳам вақт топди. Аммо асосий иши қолиб кетгани йўқ. Шу куни Вера Марковна кунлик топшириғини ортиғи билан бажарди.

Бир сўз билан айтганда, Вера Харитонова тиниб-тинчимайди. У бирлашманинг катта ҳаётида, таъбир жоиз бўлса дошқозонида қайнайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Компартияси XX съезди делегати, СССР Давлат мукофоти лауреати, Ленин ордени кавалери Вера Марковна Харитоновага тракторсозлар жуда катта ишонч билдирдилар. У Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига делегат қилиб сайланди.

▲(В. М. Харитонованинг меҳнат фаолиятига бағишланган ушбу материалнинг давомини газетамизнинг 2 ва 3-саҳифаларида ўқийсиз).

Ишончли мулоқот

32-55-35
33-57-02

## «АЛЛО... ИСТАГИНГИЗНИ ЭШИТАМИЗ...»

**Ҳар ҳафтанинг душанба — «оғир иш куни»да мунтазам ўтаётган «Ишончли мулоқот» кўпгина ишларни бироз енгиллаштириш, яъни оператив ҳал этишга ёрдам бераётгани, у кўплаб оқшомхонларимизга маслаҳатчи ва мададкор бўлаётгани ҳақида хат-хабарлар келиб турибди, қўнғироқлар бўлмоқда. Унинг мухлислари газетамизнинг «кўзи ва қулоғи»га айлангани жуда қувончлидир. Бир сўз билан айтсак, «Ишончли мулоқот» редакция ижодий коллективи — нисбатан кам сонли журналистларининг ўзига хос сиртқи летучкасига, яъни матбуот конференциясига айланиб қолди.**

**Мана, яна навбатдаги саволлар, мулоҳазалар, истак ва таклифлар:**

**Машрабхон Усмоналиева, «Ташсельмаш» заводи ишчиси:**

— Карл Маркс кўчаси — ҳар қандай транспорт қатновидан холи кўчада бутун республикамиз ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари томонидан тайёрлаб олиб, келинган ранг-баранг буюмлар ва маҳсулотларни тошкентликлар севиб харид қилишди. Айниқса Фарғона, Бухоро, Наманган ва бошқа областларнинг ўқувчиларининг қўли дард кўрмасин! Умуман, ҳаммасиям яхши. Шундай ярмаркалар тез-тез уюштириб турилса, бу — Болалар фондига катта ёрдам бўларди.

**Гулчеҳра Назармуҳамедова, Ленин районидаги Толибжон Содиқов номли маданият уйининг методисти:**

— Кейинги ҳафтада ўтказиладиган маданий тадбирлар ҳақида «Нима, қачон, қаерда?» ёзасизлару, аммо кенгроқ ёритмайсизлар. Масалан, маданият уйлари шаҳримизнинг турли бурчакларида (топиш қийинроқ), шунинг учун адреслари, у ерга қайси транспортлар бориши айтилса. Кейин шу яхши тадбирларда ўзинглар ҳам қатнашиб турсангизлар. Маданият ходимларининг унча енгил бўлмаган ишлари ҳақида очерк ёзсангиз.

Яна бир муҳим муаммо. Мен ўзим Тошкент Давлат маданият институтини битирганман. Айниқса, қизларга маданият ходимининг иши қанчалик оғир эканини айтмоқчиман. Аввало бу иш шундай эканки, ҳамма дам олганда, биз ишлаймиз. Бу —бир. Иккинчидан, баъзи ўзбек оилалари қизларини у ерга ишлашга юборгилари келмайди. Ҳолбуки, бу соҳа фидойиликни талаб қилади. Шундан ўзбек қизларини маданият уйларида кам учратасиз. Гарчи уларнинг кўплари институт ва техникумларни битирган бўлсалар ҳам бошқа, енгилроқ соҳаларда ишламоқдалар. Ва охирги сўз — ўз ўқитувчиларим ҳақида. Мени кечирсинлару (ҳозир ошкоралик) маданият институтининг ўқитувчилари амалий тадбирларда қатнашмайдилар, маданият уйлари ишини фақат назарий биладилару амалий тасаввур этолмайдилар. Мен келиб кўрдимки, бу ердаги ишлар бутунлай бошқача: китоблардагига тўғри келмайди. Шундан бизда кадр масаласи чатоқ экан!

Яқинда Бешёғочда «Гўдакнинг биринчи қадами» тадбирини тикладик. Шундай тадбирлар бошқа массивларда ҳам ўтказилса.

**Муҳаббат Толибова, 56-ҳунар-техника билим юрти фаррoши:**

— «Инсон одоби азиз» рубрикасида келинлар ҳақидаги мақолалар ёқади: яхшиси ҳақида ҳам, ёмони ҳақида ҳам ёзинглар (ёшларга сабоқ бўлсин).

**Назира Собирова, сув хўжалиги трестининг инженери:**

— Газетада ёшлар бурчаги очилса (тайёрлаб қўйилган — Ҳ. И.) ёшлар ўртасидаги ўғирлик, безорилик ҳоллари ҳақида ҳам ёзилса.

**Давлатмурод Саъдуллаев, ўқитувчи:**

— Ўқитувчи зиммасига дарс ўтишдан бошқа уй ҳайвонларини рўйхатга олиш, мактаб ремонтида қатнашиш каби ишлар топширилиши тўғрими? Ҳар ким ўз аравасини тортса, яхши бўлмасмиди?

**Н. Тошмуродова, газетхон:**

— Ёқмаган материаллар учрамади. Буни «Оқшом»нинг киоскаларда сарғайиб туриб қолмаслигидан ҳам пайқаш мумкин. Халқ мулкига хиёнат қилаётганларни, масалан, Қўйлиқ бозорининг ўнг томонидаги кўчма лоток-магазинида конфетлар устига нарх қўйиб сотаётганларни ёзинглар.

**Нигора Қосимова:**

— «Отелло» ёқди. Энди Абдулла Қодирийнинг ўзи, ҳаёти ҳақида ҳам ёзилса.

**Миржамол Мирсаидов, пардозлаш-қурилиш трестининг 42-қурилиш бошқармаси бригадири:**

— Махсус спорт мактаблари ҳақида мақола ўқишни истайман.

**Доно Абророва, Шароф кўчаси, 18-уй бекаси:**

— Милициянинг ёшлар тарбияси борасидаги ишлари ёритилса.

**Мамлакат Саиджонова, Киров район юридик консультацияси адвокати:**

— Янги уйни одатда ўзимиз яна «ремонт» қиламиз. Ошхона, ваннахонага кафеллар ёпиштириб чиқамиз. Смета бўйича ўзимизнинг ҳисобимиздан пул тўлаб бўлса ҳам буни квартира қурилаётган пайтда олдиндан амалга оширса бўлмайдими? Ахир, бир иш икки бўлмасмиди деймандa.

**М. Солиҳова, 76-ўрта мактабнинг 9-«а» синф ўқувчиси:**

— Мактабимиз метронинг «Пахтакор» станцияси ёнида. Транспорт йўлига битта светофор қўйилса...

**С. Ортиқов, газетхон:**

— Бир жойда икки-учта объект ёки ташкилот бўлса, ҳар бирига алоҳида қоровуллик штати жорий этмай, битта ягона қоровуллик ташкил этилса бўлмайдими?

**Абдували Абдурашидов, Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси бўлим мудири:**

— «Тошкентнома», келинлар ҳақидаги лавҳалар ёқди.

**Т. Воисов, Тошкент давлат маданият институтининг 1-курс студенти:**

— Ўз касбдошларингиз — журналистлар, матбуот соҳасида юз бераётган ўзгаришлар ҳақида нега ёзмайсизлар?

**Шунингдек оқшомхонлардан М. Ҳошимова, А. Юсупов, Р. Мамасолиева, А. Дўсматов, О. Эсонбоев, Т. Салимова, Б. Қозоқхонов, И. Фозилов, Ш. Тўлаганов, К. Зоҳидов ва бошқа ўртоқларга ўз таклиф ва истакларини йўллаганликлари учун миннатдорчилик билдирамиз.**

### *«Ишончли мулоқот» қабулхонасидан*

**Ҳозирча биз «Ишончли мулоқот»нинг қайси корхона ёки турар жой массивида учрашув ўтказишини аниқлашга қийналяпмиз, сабаби — илтимослар жуда кўп. Яхшиси, буни ҳал этишни сиз, азиз мухлисларимиз эътиборига ҳавола қиламиз.**

«Ишончли мулоқот» навбатчиси:
Ҳамид ИКРОМОВ.

